

Ishonch

2019 йил 25 апрель • пайшанба • № 53 (4182)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафаримизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонлини муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдорда бирийўла пул муқофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия

вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул муқофоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат но-тихотар ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказилсинлар.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 апрельЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз азалдан ўлка-мизни босқинчилардан ҳимоя қилган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва дахлсизлиги учун курашган қаҳрамонларини эъзозлаб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангҳоқлардан омон қайтган болаларимизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енган, машаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган, имони бутун аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий анъанага айланган.

Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган халқимиз ўзининг нақадар олижаноблигини, меҳр-муруватини, юксак маънавиятини аяқол намоён этди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига давлатимиз томонидан муқофотлар топшириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш кўтулган анъанага айланган. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, хизмат бурчини бажариш чоғида

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилишчи органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Фашизм устидан қозонилган ғалабада халқимизнинг ҳам мардонавор ва салмоқли ҳиссаси унутилмас ҳақиқатдир. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатларини унутмасликка, тинчлик ва осуда ҳаётнинг қадрига етишга, Ватанга садоқат ҳисси билан яшашга, шунингдек, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлишга, тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамидан бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

1. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамидан бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2»

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ПЕКИНГА КЕЛДИ

Пекин, 24 апрель. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 24 апрель куни «Бир макон, бир йўл» халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Пекин шаҳрига келди.

«Шоуду» халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Хитой Халқ Республикасининг расмий шахслари кутиб олди.

«Бир макон, бир йўл» биринчи халқаро форуми 2017 йилда ўтказилган, унда ҳам Президентимиз қатнашган эди. Бу галги саммитда 40 дан зиёд мамлакат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон учун давлатлараро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни мустақкам-

лаш муҳим аҳамият касб этади. «Бир макон, бир йўл» ташаббуси бундай алоқаларни фаол давом эттириш ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, Марказий Осиё минтақасида транспорт, савдо, сармоявий, энергетика ва юқори технологиялар соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Ҳамкорликнинг бундай янги йўналиши унга жалб этилган давлатларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашга, мамлакатлар ўртасида алоқаларни мустақкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон транспорт, логистика, савдо-сотиқ, инвестициялар, энергетика ва саноат соҳаларида юқори технологияларни жорий этиш бўйича «Бир макон, бир йўл» ташаббуси лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Ҳамкорлик доирасида мамлакатимиз Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт ва логистика йўналишларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Бу мамлакатимизнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги интилишлари ва мақсадларига тўла мос келади. «Бир макон, бир йўл» ташаббуси Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикасининг икки ва кўп

томонлама ҳамкорликни мустақкамлаш йўлида умумий қарашларга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Халқаро форум кун тартибидан минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустақкамлаш, узоқ муддатли тараққиётнинг янги манбаларини излаб топиш борасидаги шерикликни фаоллаштириш, «яшил» иқтисодиёт ва инновацияларни илгари суриш, устувор инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ўрин олган.

Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин, қатор давлатлар ва халқаро молиявий институтлар, шунингдек, Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

ЎзА

Йиғилиш

Сайловга тайёргарлик қандай?

Жорий йилнинг май ойида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тизимли равишда тайёргарлик кўришмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан пойтахтимизда мазкур жараёнга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Республика комиссияси аъзоси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков, Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари Светлана Ортиқова, Тошкент шаҳар



Илҳом ХАСИМОВ билан суҳбат

ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раиси ўринбосари Шавкат Жавлонов иштирокида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича

тадбирлар режаси, сайлов бюллетенларини тайёрлаш, сайловни адолатли ва кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

2»

ЧЕКЛОВЛАР:

иқтисодиётга фойдами ёки зарар?

мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида ҳолис фикр

Бугун кўчаларимизни тўлдириб юрган (ҳеч муболағасиз) ўзимизнинг автоуловларни кўриб, дилмиз яйрайди. Фахр билан айтаемиз: ўзимизники! Аммо танганинг иккинчи томонида дилга ғашлик соладиган бир жиҳат бор: «ўзимизники» ўзимизга қимматга тушмаяптими?

Келинг, шу ҳақда фикрлашамиз.

Гапни тарихдан бошласак, 1996 йил Асакада «ЎзДЭУ» заводи ишга тушганида барчамиз «Энди хориждан «туя баҳосида

от олиб келмаймиз», ўзимизнинг машиналаримизни минамиз», дея хурсанд бўлганимиз бор гап.

Ушанда завод ишлаб чиқарган «Нексия» автомобилнинг

нархи 7000 АҚШ доллари атрофида эди. Кейинчалик давлат заводи қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижда ишлаб чиқарилган автомашиналарга тўланадиган импорт божхона

тўловларини кескин кўтариб юборди. Яъни, нархи 20000 АҚШ доллари бўлган автомобиль учун камида 20000 АҚШ доллари тенг божхона тўловлари белгиланди. Шундай қилиб, энди қим-

мат бўлса ҳам фақат «ўзимизники»га кунимиз қолди, «борига шукур» қилиб, маҳаллий монополист заводнинг автомобилларини харид қилавердик.

3»



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Украинанинг янги Президенти Владимир Зеленский сайловдаги ишончли ғалабаси билан табриклайди.

Ташқи ишлар вазирлиги
матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

president.uz

Давлатимиз раҳбари «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

uza.uz

Шавкат Мирзиёевнинг 22 апрелда имзоланган Фармонида асосан Ўзбекистон фуқаролари сафи яна 265 нафарга кўпайди.

uza.uz

Президентимизнинг «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

uza.uz

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

kun.uz

Ўзбекистон мудофаа вазири генерал-майор Баҳодир Қурбонов Россия Федерациясида бўлиб ўтаётган халқаро хавфсизлик масалаларига бағишланган анжуманда иштирок этмоқда.

Мудофаа вазирлиги
матбуот хизмати

Жорий йилнинг 27-30 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Хумо Арена» муз саройида хоккей бўйича халқаро турнир бўлиб ўтади.

uza.uz

Жорий йилдан ўзбекистонлик мусулмонлар учун ҳаж сафари харажатлари 33,3 миллион сўмга таширилди.

kun.uz

Япониялик машҳур актриса Маеда Ацуко Ўзбекистоннинг кунчиқар мамлакатдаги туристик бренди элчиси этиб тайинланди.

Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитаси
матбуот хизмати

Мутасаддилар эътиборига!

(Иккинчи
мақола)

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:

Беш ёш
«Ғомирлар»
ёш болалар
қандай қўшиқ
эшитмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ
ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. 2. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (А.Арипов): Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият», «Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч» шioriлари остида Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминласин ва жойларда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига (кейинги ўринларда Байрам деб аталади) бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатсин;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустиқлик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакилларини бириктириб, ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этсин;

ёлғиз ва кам таъминланган

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг турар жойи ва уй ҳўжаликларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Байрамга тайёргарлик кўриш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустиқлик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бирийўла тўланадиган пул мукофоти тантинали равишда топширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббий билимларга эга ходимларни (шартнома асосида) бириктирган ҳолда доимий равишда патронаж хизматини ташкил қилсин;

Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан кетиб қалабага ўзининг беқиёс хиссасини қўшган ва уруш қаҳрамони бўлган фахрийлар номларини абадийлаштириш мақсадида ўзлари туғилиб ўсган қўчаларга улар-

нинг номларини бериш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг истаклари асосида уларни республика ҳудудидаги санаторияларга бепул юборилишини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган жойларда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги ҳарбий техника намоишини ташкил этсин;

Тошкент шаҳрида Иккинчи жаҳон урушига алоқадор архивдан олинган фото ва ҳужжатлар кўргазмасини ташкил этсин;

Ғалабага ўз хиссасини қўшган, Ватанимиз мустиқлиги учун жонини, қуч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

вилоятлар, шаҳарлар ва ту-

манларда Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар»

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсинлар;

қўчалар ва майдонлар Байрамга бағишланган плакатлар ва стендлар билан безатилишини таъминласинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган Байрам тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истикомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кейтиши, меҳмонхоналарда жойлаштиши, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечаклар билан таъминланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар

маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳрида

2019 йил 9 май соат 21:00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни, ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, шунингдек, мавзуга оид телекўрсатувлар ва радиозешитиришлар тайёрлаб эфирга узатиш, мақолалар эълон қилиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 апрель

«Сиз меҳнат муҳофазасини биласизми?»

муассасаси ҳамда амалиёт ўтаган корхона, ташкилотдаги мавжуд имкониятлар, илмий изланишлар учун яратилган шароитлар, шунингдек, сўнгги йилларда касаба уюшмаси тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтириб, меҳнат муҳофазасига доир билимларини кўргазмалар тарзда тақдим қилдилар.

Иккинчи, яъни «Меҳнат муҳофазаси бўйича билимларни аниқлаш» шартида гуруҳ сардорлари махсус конвертлар ичидан савол танлаб, уларга жавоб беришди. Учунчи шартда эса гуруҳлар корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича учрайдиган муаммоларни саҳна кўринишлари орқали намойиш этиб, бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тақлифларини билдиришди.

Тадбир якунида иштирокчиларга касаба уюшмаларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Учрашув

Академида — 2019

Олимлар
беллашуви

Тошкент ботаника боғида Фанлар академияси ва Бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан анъанавий «Академида — 2019» мусобақаси ташкил этилди.

Фанлар академияси тизимида фаолият юритаётган ёш олимлар ва ишчи-ходимларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, Фанлар академияси тасаруфидagi илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари жамоасини шакллантириш мақсадида ўтказилган мусобақаларда иштирокчилар стол тенниси, шахмат, академикросс бўйича баҳслашди.

— 50 дан ортиқ бошланғич ташкилотимизда 5 минг нафарга яқин ишчи-ҳодим фаолият кўрсатишда, — дейди Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Ходимлар соғлигини тиклаш, спортга бўлган қизиқишларини ривожлантириш асосий вазифаларимиздандир.

— Мусобақалар қизғин руҳда ўтди, — дейди Умумий неорганик кимё институти ходимаси Каромат Назаркулова. — Ақл чархи бўлган шахматга қизиқишим баланд. Ҳамкасбларим билан тез-тез дона суриб турамыз. Бу иштиёқ менга омад келтирди. Шу каби мусобақаларни уюштираётган касаба уюшмаларидан миннатдор-миз.

Моҳинур ТИЛОВҚОБИЛОВА,
Тошкент темирйўл
муҳандислари институти
талабаси

Тошкент
шаҳри

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Сиз меҳнат муҳофазасини биласизми?» кўрик-танловининг «Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат» шiori остидаги шаҳар босқичи Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтди.

Бўлажак кадрлар муҳим
тадбир иштирокчиси

Битирувчиларнинг меҳнат муҳофазасига оид билимларини ошириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, ёшларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида уч босқичдан иборат кўрик-тан-

ловда 8 та олий ўқув юртининг минг нафардан зиёд талабалари қатнашди. Саралаш босқичида ғолиб деб топилган 6 нафар жамоа якуний босқичга йўлланма олди.

Иштирокчилар учта тур бўйича беллашди. Биринчи шартга кўра, гуруҳ аъзолари ўзлари тахсил олаётган олий таълим

Сирдарё
вилояти

Мактаб кутубхонасига минг дона китоб

Боёвут туманидаги 4-мактабда «Беш устувор ташаббус — маънавий етук баркамол шахс кафолати» мавзусида ўтказилган тадбирда педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев мактаб кутубхонасига минг дона китоб тухфа этди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу китоблар олимнинг кўп йиллар давомида ўз шахсий кутубхонасида тўпланган хазинадан сараланган.

— Устознинг ушбу таълим масканида тахсил олганлиги бизни доимо фахрлантиради, — дейди мактаб директори Умрзоқ Шералиев. — Ўқувчи ҳамда ўқитувчилар билан учрашув, суҳбатлар ташкил этишни анъананага айлантирганмиз. Китобни хазина деб билган олимнинг болалиги бизга ўрнақдир. Бу-

гун бу сабоқни фарзандларимизга, ўқувчиларимизга такрорлаб келмоқдамиз. Китоблар мактабимиз жамоаси ва ўқувчилар учун муносиб совға бўлди.

— Қозоқбой Йўлдошев билан мактабда, олий таълимда сабоқдош бўлганман. Қолаверса, касаба уюшмаси

Ҳикмат

Ўқинг ва ўрганинг. Жиддий китобларни ўқинг. Қолганини ҳаётнинг ўзи тушунтириб беради.

ДОСТОЕВСКИЙ



тизимида қарийб ўн йил бира меҳнат қилганмиз, — дейди Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Қаршибой Эшназаров. — У яқинда нашр қилинган «Сўз ёлқини» номли китобини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

кутубхонасига тухфа этди. Тадбирда олимлар Умрзоқ Ўлжабоев, Нодира Офоқова, шоирлар Абдунаби Бойқўзи, Ҳаёт Шодмон, Абдулла Вахшиворий, олимнинг устоз ва шогирдлари, синфдошлари, ўқувчилар иштирок этди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»Сайловга
тайёргарлик
қандай?

1. Йилги сайлов бевосита ўтказиладиган манзил ва объектлар рўйхатини шакллантириш ишлари сустиқлаш билан бажарилмоқда. Туман комиссияларининг эътиборсизлиги оқибатида аксарият ишчи гуруҳлар раҳбарлигига сайлов қонунчилигидан, бу тадбирнинг моҳиятидан деярли беҳабар шахслар тайинланган, ҳудуд аҳолисининг аксарияти сайлов ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас.

Айрим ҳудудий комиссиялар янги таҳрирдаги Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишда масъулиятсизликка йўл қўймоқда.

— Бу йилги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови жамиятни янада ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш шароитида бўлиб ўтади, — дея таъкидлади Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Республика комиссияси аъзоси, Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. — Бугун дунё ҳамжамятининг нигоҳи бизга қаратилган. Шундай экан, ўта муҳим жараён ҳисобланган фуқаролар йиғинлари раислари сайловларини зўр уношқоқлик билан ўтказиш учун барча чораларни кўришимиз зарур.

Танқид ва таҳлил руҳида ўтган тадбирда жойларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун зудлик билан тегишли чоралар кўриш ҳамда амалга оширилган ишлар самарадорлигини кучайтириш мақсадида туман ҳокимликларига вазифалар белгиланди.

Шунингдек, сайловлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатувчи пунктлар ташкил этиш, сайловчиларнинг вақтини ҳисобга олиш, сайлов участкаларини шай ҳолатга келтириш, сайлов бюллетенларини тайёрлаш бораида мутаасаддиларга тавсиялар берилди.

Аъзамжон АБУЛҒАЙЗОВ,
«ISHONCH»

Хайрия акцияси

Меҳрдан
яралган олам

Адлия вазирлиги Ўзбекистон ногиронлар жамияти ва Ногирон ишбилармон аёллар Миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда навбатдаги хайрия акциясини ўтказди.

Ўтган йилдан йўлга қўйилган «Биз биргемиз!» лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида Мирзо Улуғбек туманидаги «Экобозор» савдо мажмуасида республика савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Унда юртимизнинг турли ҳудудларидан 300 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ўзлари тайёрлаган ҳунармандчилик, зардўзлик, тикувчилик, атторлик сингари 100 турдан ортиқ маҳсулотлари билан қатнашди.

— Имконияти чекланган фуқароларимиз томонидан қўлда ясалган, оғиз ва оёқда чизилган маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этишимиздан яна бир мақсадимиз — халқаро ташкилотлар билан келишган ҳолда, чет давлатларда ҳам улар савдосини ўтказишдир, — дейди Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси Комил Абдуллаев. — Муҳими, улар ўз интилишларидан хурсанд ва жамиятининг бир бўлаги эканлигидан мамнун бўлишсин.

— Ушбу савдо-ярмаркадан катта таассурот олдик, — дейди Ўзбекистон Ногиронлар жамияти қошидаги «Саховат-юлдуз» шўъба корхонаси раҳбари Юлдуз Лутфуллаева. — Унда имконияти чекланган ёшларимиз қўл меҳнатини яратишда ўз иродаларини намойиш қилишди. Уларни рағбатлантирадиган яна кўплаб режалар тузиб олдик.

— Ёшларни иш билан таъминлаш, тўғарақлар очиш, махсус мактабларга жойлаштириш асосий вазифамиз-



дир, — дейди Сирдарё вилояти Ногиронлар жамияти мутахассиси Дилнора Раҳматова. — Бугунги кўргазмада сирдарёлик шундай фарзандларимиз зирақлар, муносоқлар, зебин қардон маҳсулотлари билан қатнашди. Бизга берилаётган бу каби эътибордан жуда хурсандмиз.

Уч кун давом этган тадбирда ногиронлиги бўлган шахслар учун хайрия концерт дастурлари ўтказилди. Ярмарканинг сўнгги кунига қатнашчиларга фаол иштироки учун сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир якунида ташкилотчилар томонидан республиканинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган шахсларга 1100 та турли хилдаги анжомлар ва 230 та ногиронлик аравачалари тақдим этилди.

Комила БОЙМУРОВА,
«ISHONCH»

ЧЕКЛОВЛАР: иқтисодиётга фойдами ёки зарар?


41
Лекин завод ишлаб чиқараётган автомобилларнинг сифати тушиб кетганига қарамасдан, нархларини йилдан-йилга ошираверди. Дилерлик салонларида «шапка» атамаси пайдо бўлди. Унинг миқдори ҳатто 10000 АҚШ долларигача етиб борди. Энг қизиғи, ушбу ноқонуний ишларга йиллар давомида барҳам берилмади...

Ҳозирги кунга келиб номи ўзгарган «GM Uzbekistan» заводи «Lacetti Gentra» русумли автомобилни ички бозорда ўртача 15000 АҚШ долларига сотмоқда. Бундай нарх дунёнинг ҳеч қайси давлатида йўқ. Машина ишлаб чиқармайдиган давлатларда ҳам ушбу автомобиль нархи 8000 АҚШ доллари атрофида. Интернетдаги masmotors.ru сайтига қирсангиз, «Lacetti Gentra» автомобили Москва шаҳрида 6500 АҚШ долларида 8000 АҚШ долларигача бўлган нархда таклиф қилинаётганини кўриш мумкин.

Нима сабабдан бошқа давлатда арзон сотилаётган ушбу автомобилларни Ўзбекистон аҳолиси ҳам шу нархда сотиб олиш имкониятидан маҳрум этиляпти? Махсулотини ички бозорда икки баробар қиммат нархда таклиф қилишдан қўзланган мақсад нима?

Фикримизча, энг асосий монополист – «GM Uzbekistan» заводида берилган имтиёзлар бекор қилиниб, ушбу монополист манфаатларида асоссиз кўтариб юборилган хорижда ишлаб чиқарилган автомобилларга тўланадиган импорт божхона тўловлари қўшни Қозғистон ва Қирғизистондаги божхона тўловлари даражасига туширилиши лозим.

Агар шундай қилинса:
Биринчидан, хорижда ишлаб чиқарилган юқори сифатли автомобиллар (Toyota, Mercedes, Volkswagen, BMW, Audi, Hyundai, Volvo)



анча арзон нархларда автомашиналарни сотиб олиш имконига эга бўлади.

Учинчидан, Ўзбекистонда инвестицион муҳит тубдан яхшиланса, дунёнинг етакчи автомобил ишлаб чиқарувчилари мамлакатимизда ўз корхоналарини очиб истагини билдириши мумкин.

Гап шу ҳақда кетар экан, маиший техника бозорига ҳам тўхталмасак бўлмайди. Сўз яна бир монополист корхона – «Artel» бренди остида маиший техника воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳақида кетаётганини, албатта, англагандирсиз.

Ушбу корхоналар Хитой ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган маиший техника воситаларининг бутловчи қисмларини импорт қилиб, Ўзбекистонда уларни йиғиб, ички бозорда тайёр махсулот сифатида сотиш билан шуғулланади.

Ички бозорда «Artel» махсулотларининг

Этиборли томони шундаки, мазкур корхоналар 2022 йилга қадар махсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материаллар ва бутловчи қисмларни импорт қилишда божхона тўловларидан (0,2% божхона расмийлаштируви йўғимидан ташқари), шунингдек, фойда солиғи, мулк солиғи ва Республика йўл фондига ажратмаларни тўлашдан ҳам озод этилган.

Шундай экан, унда нима сабабдан ички бозорда «Artel» махсулотлари Хитойдан импорт қилинган шу турдаги махсулотлардан арзон эмас? «Artel» махсулотлари Қозғистонда Ўзбекистон ички бозоридagi нархлардан камида 30-40 фоиз арзон сотилаётганини қандай тушуниш мумкин? Хитойдан импорт қилинган маиший техника воситаларининг Қозғистон бозорларидаги нархлари ҳам Ўзбекистон ички бозоридagi шу турдаги махсулотлар нархларидан 30-40 фоиз арзон. Нера?

техникага белгиланган асоссиз юқори импорт божхона тўловларининг Қозғистондаги божхона тўловлари даражасига туширилиши ушбу махсулотларнинг Ўзбекистон ички бозоридagi нархлари пасайишига олиб келади. Электротехника махсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга берилган



имтиёзлар ва давлат томонидан қўлланган қўллаб-қувватлаш чоралари бекор қилинса, Ўзбекистон ички бозорида соғлом рақобат муҳити шаклланади.

Демак, «Artel» компанияси ҳам бутловчи қисмларни импорт қилишда камайтирилган божхона божларини тўлаб, соғлом рақобат муҳитида ўз махсулотларининг ички бозордаги нархини туширишга мажбур бўлади. Бу, ўз навбатида, аҳолининг тўлов қобилияти, яъни ички бозор салоҳиятини янада оширади. Импорт қилинган ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган махсулотлар нархининг ички бозорда арзонлашиши қўшни давлатлардан ушбу махсулотларни сотиб олиб киришга бўлган эҳтиёжни ўз-ўзидан йўқотади.

Ишлаб чиқарилаётган махсулотлар тури ва ҳажми кўпайиши, аҳоли даромадлари, яъни тўлов қобилияти, шунингдек, экспорт ошиши миллий валютанимиз қадри ноксалишига асос бўлиши эса натижаларнинг энг аҳамиятлиси.



Абдурахмон ҲАМИДОВ,
ҳуқуқшунос

ТАҲРИРИЯТДАН:

Гапнинг очигини айтганда, иқтисодий мавзуда фикр юритиш, таҳлил ва муқояса қилиш матбуот учун йиллар давомида ёпиқ бўлиб келди. Тўғри, иқтисодий соҳадаги ютуқлар эътироф этилган мақолалар кўп бўлгандир, аммо камчиликлар, муаммолар ва одамларнинг эътирозлари сабаб бўлган жиҳатлар бундан кам ёритилди. Таҳлил ва танқидда асосланган, жамиятда тўғри фикрни шакллантирадиган ҳол-сифатлар ўртага ташланмади.

Иқтисодий чекловлар жамият, юрт тараққиёти учун қанчалик муҳим? Бу билан иқтисодиёт барқарорлиги қанчалик таъминланади?

Газетхонлар эътиборига ҳавола қилинган «Чекловлар: иқтисодиётга фойдами ёки зарар?» сарлавҳали икки мақолада ҳуқуқшунос Абдурахмон Ҳамидовнинг бу борадаги шах-

сий фикрлари, таҳлил ва ҳулосалари билан танишдик.

Мазкур мақолалар, умуман, ушбу мавзуда сўз юритиш билан таҳририят кимнидир айблашдан йироқ, албатта. Таҳририятга ҳолис фикр, жамият рағнақи учун хизмат қиладиган таҳлил керак.

Яна мавзу саволига қайтамиз: чекловлар иқтисодиёт учун фойдами ёки зарар? Тангнинг иккинчи томони ҳам бор. Ҳақиқат баҳсларда тугилади, равшанлашади. Шу сабаб таҳририят Иқтисодиёт, Молия вазирликлари, Божхона, Солиқ, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмиталари мутасадди ва мутахассисларини, соҳа экспертлари ҳамда иқтисодий шарҳловчиларни мазкур мавзу юзасидан муҳокамага чорлайди. Бунинг учун «Ishonch» газетаси минбар беришга тайёр.

Эълон

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига қуйдагилар қўйилмоқда:

1. АТБ «Агробанк» Фарғона тумани филиалининг 15.04.2019 йилги №01001/478-сонли сўров хатига асосан Фарғона тумани, А.Тоштовлар кўчаси, 10-уйда жойлашган металл антенна курилмаси.
Бошланғич баҳоси – 3 540 000 сўм.

2. АТБ «Агробанк» Бағдод тумани филиалининг 22.04.2019 йилги №13-07/200-сонли алоқа хатига асосан Бағдод тумани, Қўшнор кўчаси, 10-уйда

жойлашган металл антенна курилмаси.
Бошланғич баҳоси – 3 540 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 27 май кунини соат 10:00 да бўлиб ўтади.
Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади.

Талабномалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 24 май соат 16:00гача.
Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш

кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар диққатига!

Юқорида кўрсатилган металл антенналар 2019 йилнинг 27 май кунини савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 12 ва 28 июнь кунлари такроран бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини закат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ҳисобрақамига (ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиали, ҳ/р: 2260 4000 6003 9634 2001, МФО: 01123, СТИР: 303 054 753) тўлашлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй. **Тел.:** (+99895) 402-54-75

Гувоҳнома: № 1894

Аксс-садо

Ўзга тилда бийрон, ўз тилида эса...



«Ishonch» газетасининг 2019 йил 13 апрель сониди чоп этилган, филология фанлари номзоди Шаҳноза Эргашеванинг «Қай тилда фикрласангиз, шу миллатга мойил-сиз» ҳамда журналист Раҳим Мақсудовнинг «Ўзга тилга эътибор ўз она тилини камситиш ҳисобидан бўлмаслиги лозим» деб номланган мақолалари менда ҳам қатор мулоҳазалар уйғотди.

Аввало, айтиш жоизки, мақолаларда кўтарилган мавзу ўта долзарб, кечиктирмасдан ечим топиши керак бўлган масала ҳисобланади.

Ўзим рус тилида таълим бериладиган мактабда ўзбек тилидан дарс бераман. Шу сабаб ўзимнинг фаолиятимдан муқояса келтирмоқчиман.

Яқинда Миробод туманидаги 147-умумтаълим мактабиди «Очиқ дарслар» фестивали бўлиб ўтди. Унда Миробод тумани халқ таълими бўлими методистлари ва Тошкент шаҳрининг барча туман мактабларидан келган турли фан ўқитувчилари билан биргаликда иштирок этдик.

Фестивалда мен рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Ольга Петровнанинг 5-синф ўқувчиларига ўтган рус адабиёти дарсини кузатдим. Дарс жуда қизиқарли ва таъсирли бўлди. Лекин сизнинг эътиборингизни дарсга эмас, синф доскаси тепасида ёзилган қуйидаги жумлаларга қаратмоқчиман. **«Берегите чистоту языка как святыню! Никогда не употребляйте иностранных слов. Русский язык так богат и гибок, что нам нечего брать у тех, кто беднее нас».** Иван Сергеевич Тургенев.

Ҳа, рус ёзувчиси Тургенев оламдан ўтганига 136 йил ўтган бўлса ҳам унинг сўзлари ва ёзган асарлари рус тили ва адабиёти дарсларини безаб турибди. Мен жуда таъсирланиб кетдим.

Биз-чи? Она тилимиздан фахрланиш ва миллий ғурур туйғусини унутиб қўймаймизми?

Агар биз она тилимиздан фахрлана олсак, нима учун атрофимизни ўраб турган реклама-ю эълонлар, кафе-ю рестороанлар, магазинларнинг номлари бошқа тиллардаги сўзлар билан ифодаланади? Рус, инглиз, немис, француз, араб, хитой, корейс, япон тиллари ва бошқа барча тилларни билишимиз бу ютуғимиз албатта, лекин бу ўзимизнинг тилимиздан саводсиз бўлиб қолиш, ўзимизнинг тилни камситиш эвазига бўлмаслиги керак...

Фарзандларимизни шаҳарнинг у четидан бу четига рус мактабига олиб борамиз, рус мактабиди ўқийтганидан фахрланамиз, лекин улар рус мактабиди ўзбек тилини мукаммал ўрганолмасдан қўлмайтмикин?

Афсуски, рус синфларда ўқийдиган ўзбек ўқувчиларнинг ўзбек тилига бўлган муносабати биз ўйлагандек эмас. Мақолада муаллиф таъкидлаганидек, киши қай тилда фикрласа, шу миллатга мойиллиги бўлади.

Яна бир оғриқли жиҳат. Исм-фамилиялар ҳақида. Бир тиллар хато ёзилган (хужжатга) исм-шарифларимизни ўзгарттиришга, жилла курса, тўғри айтишга ор қиламиз. Дейлик, Раҳмонбердыева Махира. Аслида, у Раҳмонбердыева Мохира. Агар шуни Мохира деб айтсангиз (ёзишни-ку қўяверинг), балога қола-сиз. Нима эмиш, ҳужжатда шундай ёзилганмиш...

Одамлар орасида ўзбек тилига озгина русча қўшиб гапириш замонавийликни, олий мартабали инсонлигимизни ифода этаётгандек гўё...


Миллий тилимиз ҳақида бундай муаммолардан сон-саноксиз мисоллар келтириш мумкин. Жаҳондаги барча халқлар қатори давлатимиздан, халқимиздан, она Ватанимиздан фахрланиш, ғурурланиш туйғуси ҳар бир сўзимизда ва амалдаги ҳаракатларимизда ифодасини топиши керак. Бунинг учун эса таълим тизимида она тилимизга эътибор қаратиш энг муҳим жиҳатдир.

Азизжон ДАВРОНОВ,

Миробод тумани халқ таълими бўлими она тили ва адабиёт фанлари методисти



Навоий кўчаси номини ўзгартириш керак(ми?)



...Пойтахтимизнинг қоқ марказидаги Хадра майдонидан Амир Темури шох кўчасигача бўлган орилик Навоий кўчаси деб аталади. Бугун бу кўча бўйлаб Ўзбек миллий академик драма театри, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, «Пойтахт» бизнес маркази, Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, «Туркистон» саройи, Кимё-технология институти, булардан ташқари, кўп қаватли турар жойлар, савдо мажмуалари каби бир

бир бирдан антиқа номлар.

Бу ҳолат зум аввалги кайфиятимизга соя солиб, мулоҳаза юритишга ундайди. Уларнинг маъносини илғашга уринамиз: «Тонус клуб»ни «фаол ҳаёт жойи» деса бўлармикини? «Dirk Bikkemborgs»ни – минг уринсак-да ўзбекчага ўйролмаймиз. Қайси тилда экан-а?! «Brand Room» – бренд хона, бренд маҳсулотлар сотиладиган жой бўлса керак-да... Қолганларидан ҳам ўзимизча маъно ахтариб илгариларимиз. «Fujifilm», «Завтрак 6:00», «Sirius», «Nick study», «Modern», «Bellona», «Alfero», «Result»... Орасидан бирорта ўзбекчасини тополмаймиз. Беихтиёр «Ўқув қуроллари» деган ёзувга кўзимиз тушиб, кўнгилга ёруғлик инади. Лекин унинг пастидида ўзга тилдаги реклама баннери дилга қайта хиралик солади.

Кўчада буюк мутафаккир бобомиз, унинг ўлмас асарларини эслаб турадиган номлар ҳам бормикин, дея умидвор тикиламиз: Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Меҳинбону, Дилором... Афсуски, уринишимиз бефойда. Ҳатто бу кўчада соф ўзбекча номни топиш қийин. Ҳолбуки, бу кўчага номи қўйилган шахс ва ижодкор ўзбек адабий тилининг асосчиси. Албатта, одамнинг га-шини келтирадиган бу парадокс биз атай ўйлаб топмадик. Буни бизнинг бепарволигимиз ва миллий бойлигимизга нисбатан қусурли муносабатимиз пайдо қилди...

Беихтиёр дилимизга шундай фикрлар келади: бу кўча Навоий номида. Улуг мутафаккир, салкам олти асри халқимизга, дунёга нур улашиб келаётган буюк аждодимиз шарафига берилган.

Заҳириддин Бобур ҳазрат Навоий ҳақида шундай сатрларни битганди: «Туркий тил била то шеър айтувтурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айт-қон эмас».

Дарҳақиқат, Навоийнинг барча асарларида қўлланган сўзлар миқдори 26 минг 35 тани ташкил этган. Аини шу рақам шоир рус ада-

биетининг энг кўп сўз қўллаган вакили Пушкин-дан 5 минг, Шекспирга қараганда 7 минг-га яқин сўзни кўп ва ҳўб қўллаганидан далолат беради.

Бугун, Ҳусайн Бойқаро таъбири билан айтганда, «Сўз соҳибқирони» номидаги кўча бўйлаб ўзбек тилидаги номларни ахтарар эканмиз, ажнабий номлар бизга шухрат келтирадими, бизни дунёга замонавий қиёфада кўрсатадими, деган саволлар қарши-сида қоламиз.

Энг катта ва оғриқли савол эса бу ҳолатларни назорат қиладиган, унга тушунтириш берадиган мутасадди ташкилотларнинг ҳамон сукут сақлаётганлигидир.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»



Қатрлар



Супурги ва бурган

– Ҳадеб супургини мақтайверасизлар, унинг ишини мен ҳам қойил қилолмайманми? – ўдағайлаб ҳовлини супура бошлади бурган.

Афсуски, дув-дув тўкилган уруғларидан супурган жойи ифлосланиб бораверди.

– Ҳовлининг ўзи тозароқ эди. Қайтага кўпроқ иш орттирдинг, – деди бурганнинг кетидан белини маҳкам боғлаб ишга тушган мулоим супурги.

Улуғ хислат

Олижаноблик – улуғ хислат. Бу хислат эгалари ўзгаларни ўларидан устун кўрадилар.

– Энг ақлли, олижаноб одам, – деган экан бир донишманд, – кўп нарсани билиб билимдонлик қилмаган, мақтовларга учмаган камтардир. Шу ўринда одоб бўстонининг билимдони Балхийнинг сўзини келтириш жоиз:

*Билимнинг осмонга етган бўлса ҳам,
Бошқалар илмига қулоқ сол ҳар дам.*

Феълига боғлиқ

Мол-дунё йиғишга қаттиқ ҳирс қўйганидан унинг хаёл уйига оқибат, эзгулик хислари сиғмай, ундан узоқлашди. Топгани ёмонликка буюрди.

Мол-дунёдан кўра яхшилик мевасини кўпайтиришга интилган инсон эса элнинг иззат-ҳурматида мардона яшади. Топгани яхшиликка буюрди.

Кимнинг топгани нимага буюриши ўзининг феълига ҳам боғлиқдир.

Ҳар кимнинг ўз мўлжали бор

Ҳайвонлар озиқ учун, қушлар донлаш учун эгилади. Табиий бир ҳол. Бироқ одамларнинг эгилиши замирида нима мўлжал борлиги ўзига аён. Кимдир уруғ сепиш учун, кимдир ҳосил териш учун, кимдир ер юзини тозалаш учун эгилади. Лекин ҳушомад учун эгилишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Боси меҳнат

– Биз сизларни чиройли қилиб турамиз. Кўрганлар ҳавас билан боқадилар, – ўзларини кўз-кўз қилди ўнг ва чап қўлга тақилган биллакузлар.

– Тўғрику-я, сизлар ҳалол меҳнатимиз эвазига келганингизни зинҳор унутманг, – дейишди қўллар.

Ғурур

Ёш йигитга учта ўғри ёпишди:

– Жонинг керак бўлса, бор пулингни бер, бўлмаса... – дўқ қилди улар.

Йигит чайир эди.

– Мана сенларга пул, – дея уларга кетма-кет мушт туширди.

Ўғриллардан бири қийла ишлатиб, йигитни чалиб йиқитди.

Чўнтагини кавлашса, бир миридан ортиқ пули йўқ.

– Вой, пасткаш-ей, бир мирига шунча уришсанми, жонингни қийнаб, – ҳайрон бўлди ўғриллар.

– Бир мириг учун эмас, ғурурим учун уришдим, – деди йигит рақибларини уялтириб.

Катта оғиз

Катта қозоннинг оғзи катта-да, шунга яраша гапи ҳам.

– Миттивой, жа нечта одамга хизмат қилардинг? – дея кичик қозонга пичинг қилди. – Бир оила хизматимдан миннатдор, – деди кичик қозон ва татқидлади.

–Тўй кунини сенга масалиқ топиш учун меҳнаткаш қўлларга қувват – овқат бўлсин деб кўп хизмат қиламан. Акс ҳолда, ҳар замонда бўладиган тўйда ҳам хизмат қилишга ожизлик қиласан. Катта оғзингни оч-иб тураверасан, – дея бийрон-бийрон жавоб қилди кичик қозон.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ақборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.



Бош муҳаррир

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-90-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдураҳмонов

Мусахҳи:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдулжалилов

ЎзА яқини – 22:20

Топширилди – 23:40

Газета офсет усулида,

A-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма – 417.

30112 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6